



ЎзХДП ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул усули бандлик даражасини ошириш, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун партиянинг маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари «2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг ҳар бир туман ва шаҳарда ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши, бу борада қатъий фаолият юритиши зарур.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мамлакатда олиб борилаётган барча ислохотлар қонун ижодкорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Шу муносабат билан Ўзбекистонда парламент институт тобора такомиллаштириб борилаётган. 2005 йилда икки палатали парламент шаклланиши билан жамиятни янада эркинлаштириш, ўз демократияга эга, жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи сиёсий партиялар ўрни бўйича пойдевор яратилди.

2-бет



ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ

янада чуқурлашиб,

қонун ижодкорлиги жараёни такомиллашмоқда

ЎзХДПда «Ёш сиёсатчи — 2013»

АМАЛИЙ ЛОЙИҲА ВА ТАКЛИФЛАР

танлов таъсирчанлиги ва аҳамиятини янада оширди

Кўрик-танловнинг Фарғона вилоят босқичи қўтаринки кайфият, баҳс-мунозара тарзида ўтди.



Танлов шартларида бу йил ижтимоий-сиёсий масалаларга кўпроқ аҳамият берилди. Бу нафақат ёшларни ўқиб-ўрганиш ва сиёсий жараёнлардан хабардорлигини ошириш, балки ўз фикрига эга бўлиш, сиёсий позициясини ҳимоя қила олиш, ўзаро мулоқот, тажриба алмашиш ва юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этиши учун замин ҳозирламоқда.

Танловда қувалик Фарҳод Аминов биринчи ўринни эгаллади. У барча босқичларда ўзининг ишончли чиқиши, амалий лойиҳа ва таклифлари билан ёш сиёсатчилар сафидан жой олишга муносиб эканини исботлади.

Лойиҳа тақдимотида у Кува

Мухаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — ЎзХДП маҳаллий кенгашлари етакчиларига

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ БИЛАН БОҒЛИҚ

ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда янада фаол бўлишимиз зарур

Маълумки, Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатини ҳимоя этишни мақсад қилган. Бунда, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳоли бандлигини таъминлаш, ёш оилаларга қўлай шароит яратиш, имконияти чекланган фуқароларга моддий ва маънавий мадад бериш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Наманган туман партия кенгаши раиси Умиджон Солиев билан суҳбатимиз бу жараёнда ЎзХДП туман кенгашининг иштироки, амалий ишлари ҳусусида бўлди.

— Партиямиз электро-ратини ижтимоий масалалар жойларда

ўз вақтида ҳал этилиши кўпроқ қизиқтиради. — дейди туман партия кенгаши раиси. — Биз эса шунинг ҳар томонлама ҳисоб-га олиб, юзга келаётган камчиликларни аҳолига таҳлил этиш, амалий таклифлар ишлаб чиқиш, уларни ҳал қилишга

интилаяпмиз. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури-нинг ижросини ўрганиш, белгиланган кўрсаткичлар бажарилишига эришиш мақсадида қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда.

2-бет

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ишлашнинг талаб этади

→ 2

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ ВА ТАФАККУР

мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади



→ 3

ҲАММАСИ ОХИРГИ ТУРДА ҲАЛ БЎЛАДИ



→ 4

ОБУНА — 2013

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Агар газета таҳламиндан бирор сонини кимдир олиб қўйган бўлса, иш жараёнида айнан уша газета керак бўлаверади. Ундан, бундан сўраб кўрасиз, топила қолмайди.

Энди тасаввур қилинг: йилнинг иккинчи ярмида газета олмайсиз. Шу даврда газетамизда эълон

қилинадиган қизиқарли мақолаларни излаб юришга тўғри келади.

Албатта, бунинг йилнинг биринчи ярмида бизга фикрдош ва йўлдош бўлган обуначиларимиз яхши билишади. Фақат биз уларга ва барча газетхонларимизга эслатмоқчимиз:

ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Нашр кўрсаткичи — 220

ОБУНА — 2013

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ПАРЛАМЕНТ ИСЛОҲОТИ

янада чуқурлашиб, қонун ижодкорлиги жараёни такомиллашмоқда



Абдуманноб РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ
масалалари қўмитаси раиси,
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси.

Эътироф этиш лозимки, 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Давлат бошқаруви тўғрисида» қонун ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг функцияларини амалга оширишда сиёсий партиялар фракциялари ролини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу Конституциявий қонун билан жорий қилинган ҳуқуқий механизм туфайли сиёсий партиялар фракциялари фаолияти янада ривожланди, фракциялараро соғлом рақобат кучайди, давлат бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштиришда уларнинг иштироки, таъсири сезиларли равишда ошди.

қўшимчалар киритилди. Унга қўра, келгусида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзоди Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақдир этилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам Концепцияга қўйилган асосда ишлаб чиқилган бўлиб, парламент қонун ижодкорлиги фаолияти ва бу жараёнда сиёсий партиялар фракциялари ролини оширишга хизмат қилади.

таҳамлаш, қонун ижодкорлиги сифатини жиддий равишда ошириш, бу жараёнда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини, сиёсий партиялар фракциялари иштирокини янада кучайтиришга қаратилган.

ва ўз фаолиятини Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан қабул қилинадиган Низом асосида юрताди. Энг асосийси, палатага киритилган қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил

Эътиборлиси, қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун бир вақтнинг ўзида масъул қўмитага ва фракцияларга (депутатлар гуруҳлари) юборилади. Бу шунчаки расмийлик учун эмас. Масъул қўмита қонун лойиҳаси юзасидан фракциялар (депутатлар гуруҳлари)нинг фикрлари ва таклифларини олмасдан туриб қонун лойиҳаси бўйича ўз хулосасини чиқара олмайди.

Сиёсий партиялар фракциялари эса қонунлар лойиҳаларини устидан унинг дастлабки босқичдаёқ иш олиб бориш, сиёсий партиянинг дастурий максадлари, электорат манфаатларидан келиб чиқадиган позициясини қонунларда акс эттириш бўйича янада мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Шунингдек, қўмита томонидан қонун лойиҳаси бўйича масъул этиб белгиланган маърузачи Қонунчилик палатаси мажлисида қонун лойиҳаси юзасидан сиёсий партиялар фракциялари (депутатлик гуруҳлари) билдирган фикр ва таклифларини депутатлар эътиборига мажбурий тартибда етказиб беради. Фракциялар (депутатлик гуруҳлари)нинг қонунлар лойиҳалари юзасидан билдирган фикр ва таклифлари муҳокамалар чоғида албатта ҳисобга олинади.

Агар парламент очик ва ошқора ишлайдиган орган экани, бу ерда бўлаётган муҳокамалар оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказилишини инобатга олсак, бундай қоида амал қилиши сиёсий партиялар фракциялари қонун ижодкорлиги жараёнига қанчалик даражада масъулият билан ёндашаётганини ҳақимиз бевосита кузатиши имконини беради.

Мустақар қилиб айтганда, мазкур қонун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида сиёсий партиялар ўрни ва таъсири янада оширишга хизмат қилади.

Қонунчилик палатасининг Регламентига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, Қонунчилик палатасига киритилган қонунлар лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш, бунга масъул қўмитани белгилаш, уларни муҳокамага тайёрлаш ва муҳокаманинг барча босқичларида сиёсий партиялар фракциялари (депутатлик гуруҳлари) иштирокини белгилаб берувчи ҳуқуқий меъёрлар янада такомиллашди.

Шу орқали Қонунчилик палатаси томонидан қонунлар лойиҳаларини муҳокама этиш ва қабул қилишнинг амалдаги тартиби демократлашиб, қонун ижодкорлиги жараёнида сиёсий партиялар фракцияларининг (депутатлик гуруҳининг) иштирокини таъминловчи аниқ процессуал механизм яратилди.

этишда мустақил иш олиб боради. Сиёсий қарашларга эга бўлган гуруҳлардан ташкил топган, сиёсийлашган институтда сиёсий қўллар таъсиридан ҳоли бўлган алоҳида Мувофиқлаштирувчи гуруҳ фаолият кўрсатиши сиёсий партиялар манфаатлари мувоzanатини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Аввало, Қонунчилик палатасига киритилаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини рўйхатдан ўтказиш, қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш, муҳокама қилишнинг барча босқичларида кузатиб боришни ташкил этувчи Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузиш назарда тутилган.

Бундай механизм жорий этилиши «мазмун-моҳиятига қўра янги институт бўлиб, дунё парламентлари амалиётида деярли учрамайди. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари палата Девони ҳодимларидан ташкил топади

Қонунчилик палатаси Кенгаши ўз мажлисида Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ахборотини кўриб чиқади ва мутлақ демократик принципларга таянган ҳолда очик, ошқора тарзда қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган масъул қўмитани белгилайди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

яхши қўшничилик муносабатларининг қўлами кенгаймоқда

Статистика маълумотларига қўра, Ўзбекистонда 810 мингдан ортиқ қозоқ, Қозоғистонда эса салкам 460 мингдан зиёд ўзбек миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилмоқда. Мамлакатимизда қозоқ тилида таълим бериладиган 417 та мактаб, қардош қўшни давлатда эса тахсил ўзбек тилида олиб бориладиган 175 та мактаб фаолият кўрсатаётди.

Ўзбекистонда қозоқ театрлари ва миллий-фольклор ансамбли ижодий фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида Қозоқ адабиёти кенгаши фаолият юритаётди, қардош халқ тилида «Нурлы жол» газетаси чоп этилаётгани баробарида Миллий телерадиокорпорациянинг каналларида махсус кўрсатувлар эфирга узатишмоқда. Қозоғистон Давлат университети ва Тошкент Давлат педагогика университетида қозоқ тили ва адабиёти кафедралари ташкил этилган бўлиб, Ангрен, Гулистон, Жиззах, Навоий ва Нукус шаҳарларидаги педагогика олий ўқув юртиларида эса бир неча

фанлардан қозоқ тилида дарс берилиши йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, Остона, Алмати ва Қозоғистоннинг бошқа тўқизта минтақасида ўзбек маданияти марказлари очилган. Улар томонидан ҳар йили «Ўзбек халқининг тили, маданияти ва урф-одатлари кўни» тадбири ўтказилади. Она тилидаги даврий нашрлар ҳамда махсус радиозаштириш ва телекўрсатувлар Қозоғистон ўзбекларининг миллий аъёнлари ва урф-одатларини асраш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Икки мамлакат халқлари ўртасида бир-бирини тушуниш ҳамда ўзаро ишончга асосланган тарихий дўстлик ва қардошлиқ ришталари минтақамиздаги барқарорлик ва тинчликнинг сақланишига кўмаклашмоқда.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг Ўзбекистон Республикасига буюражак расмий таширифи икки дўст мамлакат ўртасидаги самарали ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун янги имкониятларни яратди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«Жаҳон» АА

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Жиззах вилоят партия кенгашида Президентимизнинг 2013 йилнинг 18 мартдаги «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга, муносиб ҳисса қўшишга қаратилган семинар ўтказилди.

ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ишлашни талаб этади

Ундан қўзланган мақсад вилоятда ҳомиш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳининг аниқ таклифларига асосланган ҳаракат дастури ишлаб чиқишдан иборат. Мазкур дастурда иш ўринлари яратиш, демография омили ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандликнинг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, аҳолининг ўз ишини очик ташаббусларини рағбатлантириш билан боғлиқ вазифалар кўзда тутилмоқда.

Семинарда шаҳар, туман партия кенгашлари раислари, депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари мазкур масалани ҳар томонлама муҳокама этишди.

Жиззах вилоятида имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш орқали саноатни, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш натижасида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ҳамда касб-хунар коллежи битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, минтақаларни ривожлантириш юзасидан тақдир ва тавсиялар ишлаб чиқиш, шу асосда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи орқали сессиялар кун тартибига масалалар киритиш зарурлиги таъкидланди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Ақром Иномов олдинда турган вазифаларни бажаришда депутатлик гуруҳлари раҳбарининг, махаллий Кенгаш депутатларининг вазифалари ҳақида семинар чоғида қўлаб қўрилди билдирилди, — дейди халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши Депутати Ташпўлат Розиков. — Депутат сифатида янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси масалаларига қўпроқ эътибор қаратишимиз, депутатлик ваколати ва имкониятларидан партиямиз Сайловолди дастури ва Ҳаракат дастури бевосита амалга оширишда самарали фойдаланишимиз зарур.

Семинарда Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ БИЛАН БОҒЛИК

ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда янада фаол бўлишимиз зарур



Ўтган йили тумандаги Тўрақўрғон қишлоғида оилавий тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган аҳолини қўлаб-қувватлаш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди. Аввало, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик билан шуғулланувчи кишилар фаолиятини ўрганилди. Уларга ўз фаолиятини қонунийлаштириш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Хотин-қизлар, айниқса, ёшларни оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка кенг жалб этиш, тарғибот-тушултириш ишларини кучайтириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бу борадаги масалалар ечими бўйича тегишли ташкилотларга зарур тақлифлар киритилди.

Ана шу ишларнинг самараси ўлароқ ўтган йили туманда

нимизда бевосита депутатларимиз, партиямиз фаоллари қўмаги билан 20 га яқин электрот вакили ўз ишини йўлга қўйди. Бунинг натижасида 100 га яқин янги иш ўрни яратилди.

— **Электрот манфаатларини ҳимоя қилишда туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси қандай ўрин тутаяпти?**

— Фуқароларни ўйлантираётган масалаларни ижобий ҳал этиш, юзага келаётган муаммоларга ечим топиш, аҳолини манзилли ижтимоий қўлаб-қувватлашда Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилнинг шу даврига қадар қабулхонамизга 20 га яқин мурожаат бўлди. Уларда бандлик, соғлиқни сақлаш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш ва бошқа ижтимоий масалалар кўтарилди. Му-

рожаатларга ижобий ечим топишда туман кенгаши, маҳаллий Кенгаш депутатларининг мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлиги яхши самара берапти.

— **Бошланғич партия ташкилотлари сиёсий кучнинг асосий таянчи ҳисобланади. Улар фаолиятини кучайтиришда айни пайтда давом этаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг ўрни нимадан иборат, деб ўйлайсиз? Умуман, ҳисобот-сайловларнинг бориши ҳақида тўхталсангиз.**

— Туманимиздаги 3000 нафарга яқин партия аъзоси 41 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида БПТнинг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил этилиб, партия дастурий максадларини амалга оширишдаги муҳим йўналишлар белгилаб олинмоқда.

— **Халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан 18 нафар депутат сайланган. Улар қўлаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш,**

ташкилотга янги етакчилар сайланди.

Умуман, ҳисобот-сайловлар давомида қўлаб масалаларда фикр алмашишмоқда, янги гоялар, ташаббуслар илгари сурилаяпти. Булар келгусида нафақат бошланғич ташкилотлар, балки, бутун партиямиз ишини янада жонлантиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

— **Электрот манфаатини ҳимоя қилишда жамоатчилик ва депутатлик назорати қандай ўрин тутаяпти? Бу борада партия кенгаши депутатлик гуруҳлари билан қандай ишларни амалга ошираяпти?**

— Халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан 18 нафар депутат сайланган. Улар қўлаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни ечиш,

Шу вақтга қадар 30 та бошланғич ташкилотда ҳисобот сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Уларда мустақил ўз ишини ташкил этиш, касаначиликни йўлга қўйишда муаммоларга дуч келаётган электрот вакиллари учун фойдали бўлган тадбирларни бошланғич ташкилотларда кўпроқ ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилаяпти.

Қуйи бўғин фаолиятини янада кучайтириш, ташаббускор, жонқуяр ва интилувчан кадрлар сафини кенгайтириш мақсадида 10 та бошланғич

шунингдек, давлат томонидан бериладиган ижтимоий ёрдам манзиллигини ошириш каби масалалар бўйича депутатлик назоратини олиб


бўлиш талаб этилади.

«Ўзбекистон овози»
мухбири
Гулярух ОДАШБЕКОВА
суҳбатлашди.

Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, Ватан таянчи

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ ВА ТАФАККУР

мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади



Машхура АЛИМОВА,
Самарқанд давлат
университети катта илмий
ходим-тадқиқотчиси:

— Мен илмий тадқиқотимда республикамизда туризм соҳасида тўлиқ ишга солинмаётган омишлар, улардан самарали фойдаланиш йўллариغا эътибор қаратганман. Фикрларим атрофида қизгин баҳс-мунозаралар бўлди, муқобил таклифлар ўртага ташланди. Айниқса, менга дунёнинг таниқли иқтисодчиларидан бири Ҳамид Рашиднинг мулоҳазалари маъқул бўлди, уларни истиқболдаги ишларимда татбиқ этаман. Хуллас, анжуманга келиб кўп нарсани ўргандим, янги ғоялар пайдо бўлди, ундан олган таассуротларим илмий ишимни янада бойитишига аминман...

Бобур ВАЛИЕВ,
ПМТИ катта илмий
ходим-изланувчи:

— Яқинда мен Австрияда бўлиб ўқув тренингидан қатнашиб келдим. Ушбу форумда эса «Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция детерминантлари (ҳаракатлантирувчи омиллар) ва уларни таҳлил қилиш усуллари» номли илмий-тадқиқотларим билан қатнашдим. Бу менга касбдошларим билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш билан бирга, илмий ишимни янги ғоялар билан бойитиш имкониятини ҳам берди. Тадқиқот йўналишимнинг



асосий мақсади — иқтисодий-математик усуллардан фойдаланиб, иқтисодий ўсишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг таъсир даражасини баҳолаш, уларни иқтисодиётимизга жалб қилиш мени янги ғоялар билан тақомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш.



Олимхон АЛИКОРИЕВ,
ПМТИ катта илмий ходими,
иқтисод фанлари номзоди:

— Бундан икки йил олдин — 26 ёшимда мuddатидан аввал, номзодлик диссертациясини химо қилдим, 40 дан ортқ илмий ишларим чоп этилди.

Форумда «Ўзбекистонда замонавий банк тизимини ривожлантириш масалалари» мавзусидаги тадқиқот ишим билан қатнашдим. Охириги беш йилда иқтисодиётимизда амалга оширилган модернизациялаш, таркибий ўзгаришлар ва инкирозга қарши чора-тадбирлар дастури давом этаётган жаҳон инкирози шароитида миллий банк тизимимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Юртимизда ушбу ўзгаришларнинг бош мақсади — миллий иқтисодиётнинг самардорлиги, мувозанатлашуви ва барқарорлигига эришишдан иборат.

Фикримизча, ушбу мақсадларга эришиш ўтказилган институционал ўзгаришларнинг асосий мезони ҳисобланади.



Аслиддин ОДИЛОВ,
Иқтисодий тадқиқотлар
Маркази катта илмий ходими:

— Мен Инсон капиталига бағишланган тадқиқотларим ҳақида маъруза қилдим. Маълумки, хорижий экспертлар, олимлар, халқаро ташкилот вакиллари Ўзбекистон иқтисодиётини баҳолаганда, кўпинча яппи ички маҳсулот, ундаги макроиқтисодий параметрларга эътибор қаратишади. Лекин яна бир омил, Инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар, назаримда, алоҳида ўрганишга арзийди. Республикаимизни бу жиҳатдан ҳам бошқа кўшни давлатлар билан қиёслаганда, унинг рақобатбардорлиги янада ортади.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, мана, давлатимиз таълимга катта маблағ сарфламоқда, ҳўш, унинг самараси қандай бўляпти? Уни ўлчайдиган мезонлар нималарга асосланган? Ушбу маълумот, мезонларни тўплаган ҳолда таълимга йўналтирилган инвестициянинг самара даражасини аниқлаш мумкин. Халқаро тажрибада унинг миқдорий кўрсаткичини ҳисоблайдиган эконометрик методология шаклланган. Мақсадим — бу борада қадриятларимиз билан боғлиқ омилларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ўзимизнинг методологиямизни яратиш.

Хусан БАҚОВЕВ,

Навоий давлат Кончилиқ институти катта ўқитувчиси:

— Маълумки, бугунги тез ўзгараётган иқтисодий жараёнларда кичик корхоналар фаолияти жуда мосланувчан бўлиши талаб этилади. Шу маънода мен ўрганаётган мавзу кичик бизнес корхоналари инновацион салоҳиятини баҳолашга бағишланган. Айниқса, ҳозирда улар мамлакат янги ички маҳсулотининг 54 фоизини ташкил этаётгани, жами иш билан банд аҳолининг 75 фоизи ушбу тармок вакилларига тўғри келаётгани тадқиқотимнинг аҳамиятли жиҳатларидан ҳисобланади. Уни бу ерда олган янги фикр-мулоҳазалар билан бойитаман.




**Бахтишод
ҲАМИДОВ,**
ПМТИ кичик
илмий ходими:

— Бугун тенгдошларим олдида инсон капиталининг иқтисодий ўсишга таъсири тўғрисидаги тадқиқот натижаларимни тақдим этдим. Бунда Ўзбекистонда давом этаётган таълим соҳасидаги ўзгаришлар, бу жараёнларнинг миллий иқтисодиётимиз ўсишига таъсири, бу борада келгусида қилишимиз лозим бўлган ишларни ёритиб беришга ҳаракат қилинган.



Шаҳноза НУРУШЕВА,
Тошкент Халқаро Вестминстер университети талабаси:

— «Микромолиялаштириш ва уй ҳўжалигида қарор қабул қилишда аёлларнинг таъсири» номли маърузамни инглиз тилида тақдим этдим. Унинг қисқача мазмунини ҳукуматимиз томонидан эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат, оилада бўладиган сарф-харажатлар, бунда микромолиялаштиришнинг муҳим аҳамияти ва унда аёллар иштирокини кенгайтиришга қаратилган механизмлар таҳлил этилган.



Акмал РАЖАБОВ,
ПМТИ кичик
илмий ходими:

— 2010 йилда Япониянинг Хитотсубаши университетиде магистратура йўналишида таҳсил олишга муяссар бўлдим. Ўқидан сўнг, ишимни яна Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида давом эттирдим.

Президентимизнинг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги фармони биз ёшлар учун унутилмас воқеа

бўлди. Мазкур Фармонда докторлик даражасини олиш имкониятлари янада кенгайтирилди. Шу боис мен докторлик диссертацияси устида иш бошлаш мақсадида Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтига илмий ходимликка ишга ўтдим. Бу ерда мен учун яна бир имконият яратилди: ёш иқтисодчи-олимлар форумида «Ўзбекистонда инфляция ва аҳоли омонатларининг ўзаро боғлиқлиги» мавзусидаги илмий ишим билан қатнашдим. Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, инфляция аҳоли омонатларининг ўзгариши ўртасидаги алоқдорлигини аниқлаш, аҳоли омонатларининг келгуси давларга инфляция прогнози асосида умумиқтисодий ёндашган аҳоли омонатлари ўзгаришини прогноз қилиш имконияти беради.

Дарҳақиқат, юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар тафаккурини зулуксиз тараққий эттиришга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилаётгани ўз самарасини бермоқда. Жаҳон андозлари асосида барпо этилаётган академик лицей, касб-ҳўнар коллежлари, олий ўқув юртиларида таълим олаётган ёшларимиз ҳеч

кимдан кам эмасликларини амалда исботлашмоқда.

Ана шундай ёшларимиз бор экан, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан албатта жой олишимиз, Ўзбекистонимиз келажаги буюк бўлишига ишончимиз қомил.

Обиддин МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Хориж

ҚУМТЕПА

КАТТАЛАШИБ БОРМОҚДА

Атлантика океанининг Францияга туташган қирғоғида улкан қумтепа ўз худудини кенгайтириб бормоқда.



«Мир новостей» газетасида чоп этилган хабарда қайд қилинишича, ушбу қумтепанинг узунлиги 3 километр, эни 500 метр, баландлиги эса 100 метрни ташкил этади. У Бордо шаҳридан атиги 60 километр узоқликда ястаниб ётибди.

Ажабланирлиси шуки, қумтепа доимо ҳаракатда — энига, узунасига ва бўйига ўсиб бормоқда. Бир неча асрлардан бери мазкур қумтепага 60 миллион куб метр қум йиғилган. Кейинги юз йилда унинг ҳажми икки бараварга кенгайган.

Олимларнинг фараз қилишларича, денгиздан эсанган ғарб шамоли океан суви қирғоққа чиқарган қумларни учирайиб келиб, шу тепаликка қўшмоқда. Бунинг устига қумтепани қуруқлик томон йилига 5 метр масофада ичкарилаб бормоқда. Айрим дараклар қум ости-

да қолаётгани ерлик аҳолини хавотирга солмоқда. Масалан, 10 йил олдин сайёҳлар қумтепа атрофидаги ўрмонда дам олишарди. Эндilikда бу ўрмондаги сўкмоқларни қум босганлиги сабабли сайёҳлар у ерларни тарк этган.

1928 йилда бордолик бир киши айнан шу қумтепага яқин жойда баланд уй қурган эди. 8 йилдан кейин бу оила уйини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Негаки, қум барханлари «ҳўжум»и тинимсиз юз бераётгани уларни қўчтирди. Ҳозир эса бу уй қум остида қолган.

БЕНЗИН ВА АММИАК АРАЛАШМАСИ

МАШИНАНИ ҲАРАКАТЛАНТИРАДИ

Жанубий Кореянинг Энергетика тадқиқотлари институти олимлари томонидан яратилган ва яқинда тақдимоти ўтказилган янги автомобил тури ўзига хос ёнлиги ҳисобига ҳаракатланиши билан ажралиб туради, дея хабар беради «Ренхап» АА.



Унга қўйиладиган ёнлиги таркибининг 30 фоизи бензин бўлгани ҳолда 70 фоизи аммиакдир. Айнан шунинг ҳисобига мазкур автомобиллар атроф-муҳитга захарли газларни 70 фоиз кам чиқаради. Буни Фан, режалаштириш, ахборот ва коммуникация технологиялари вазирлиги ҳам тасдиқлади.

Институти олимларининг айтишларича, ёнлигининг бу янги тури ёнган пайтда «парник газ»ларини юзга келтирмайди.

Аммиакни ҳар қандай автомобилнинг ёнлигисига қўйиш мумкин. Фақат бунинг


учун автомобиль тизимини модернизация қилиш керак ҳолос.

Агар Жанубий Кореядаги атомобилларнинг 20 фоизи шу ёнлиги билан ҳаракатланса борми, «парник газ»лари бир йилда 10 миллион тоннага ёки 15 фоизга камайган бўларди, дейишмоқда мутахассислар.

КОИНОТНИ ЧИҚИНДИЛАРДАН ТОЗАЛАШ

ДОЛЗАРБ МАСАЛАДИР

Экспертлар Ер орбитасидаги само кенгликлари миллион тоннага яқинлашиб қолган «самовий чиқинди»лардан тезда тозалаш лозимлиги ҳақида бонг урмоқдалар.



Испаниянинг «El Pais» нашри маълумотига кўра, сайёрамизда космик эра бошлангандан бери Ер орбитасига 5 мингга яқин турли космик аппаратлар учирилган. Уларнинг бир қанчаси бугунги кунда ўз фаолият мuddатини ўтаб бўлган, лекин ҳануз орбитада бесамар учиб юрибди. Ачинарлиси, улар тўқнашувларда майда бўлакларга бўлиниб кетган. Улар эндиликда ерликларга катта зарар етказмоқда.

Яъни, Ер орбитасида фаолият олиб бораётган суъий йўлдошлар ва бошқа ракеталар парвозига жиддий ҳалақат бермоқда. Айрим пайтларда хатто тўқнашувлар юзга келмоқда.

Экспертларнинг ҳисоб-киتابи, шу кунларда орбитада ҳажми 1 миллиметрдан сал каттароқ бўлган космик аппарат синиқларни сони 170 миллиондан ортдиқдир. 1 сантиметрдан сал каттароғи 670 мингга, 10 сантиметрдан каттароқлари эса 29 мингтадан зиёдидир. Улар

орбитада тинч ҳолатда турмайди, катта тезликда учиб юрибди. Айнан шу боис уларнинг ўта кичик ҳажмидаги ҳам ракеталар парвози учун катта хавф туғдиради. Американинг «Iridium-33» ва Россиянинг «Cosmos-2251» алоқа йўлдошлари билан юз берган тўқнашувларни эслаганини ўзи кифоя. Тўқнашув натижасида мазкур космик аппаратлар 2,2 мингтадан ортқ майда бўлакларга бўлиниб кетган.

Мазкур самовий чиқиндилар орбитада бир хил ёйилмаган. Энг кўп чиқиндилар 800-1000 километр юқорида учиб юрибди. Энди уларни йиғиб олиш ва хавфсиз худудга элтиш муаммо бўлиб турибди.

ЧЕКУВЧИЛАРНИ ИШГА ОЛИШ

ҚИММАТГА ТУШАРКАН

АҚШнинг Огайо штати университети тадқиқотчилари «Tobacco Control» журналида ўзларининг кузатув-тадқиқот ишлари натижаларини эълон қилдилар.

Унда баён этилишича, чекувчилар фаолияти чекмайдиганларга қараганда Америка компаниялари учун бир йилда ўртача 5,8 минг доллар қимматга тушаркан.

Гап шундаки, чекувчилар бир кунлик иш фаолияти давомида ўртача ярим соат вақтини чекмас сарфлайди. Бу билан улар чекмайдиганларга қараганда бир йилда камда 3 минг дол-

ларлик зиён келтиради. Бундан ташқари, улар учун чекмайдиганларга қараганда 2 минг доллар кўп тиббий суғурта пули сарфланади.


Аммо пенсия чекмайдиганларга қараганда чекувчиларга ўртача 296 доллар кам тўланади, негаки, чекмайдиганлар чекмайдиганларга қараганда эртарок ҳаётдан кўз юмади.

Қарши тиббиёт коллежи — Қашқадарё вилоятидаги нуфузли ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидан бири.

Бу ерда уч мингдан зиёд ўқувчи тиббиёт ҳамшираси, даволаш иши фельдшери, фармацевт ассистенти, ортопедик стоматология техниги, тиббий лаборант мутахассислиги бўйича таъсил олмоқда. Замонавий шарт-шароитга эга ўқув масканда назарий ва амалий

машгулотлар юқори савияда олиб борилаётир. Коллежни бу йил 1 минг 602 нафар йигит-қиз тугатади. Тегишли муассаса ва ташкилотлар билан уч томонлама тузилган шартномалар бўйича битирувчиларнинг барчаси ишга жойлашади.

Суратларда: Қарши тиббиёт коллежидида машгулот пайти (ўнгда); ўқувчи Севинч Ражабова.



Жамида НОҚОБИЛОВ (ўша) олган суратлар.



Баркамол авлод орзуси

Футбол

ҲАММАСИ ОХИРГИ ТУРДА ҲАЛ БЎЛАДИ

2014 йили Бразилияда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати Осиё минтақаси тўртинчи саралаш босқичи учрашувлари ўтказилди.

Мусобақанинг «А» гуруҳида катнашадиган Ўзбекистон терма жамоаси охириги турда Сеулда Жанубий Корея футболчилари билан куч сынашди. Унда ҳамюртларимиз ғалаба қозонса, мuddатидан илгари жаҳон чемпионати финал босқичи йўлланмасини кўлга киритарди. Дуранг натижа эса футболчиларимизнинг Бразилияга бориш имкониятини амалда сақлаб қолар, мағлубият вакиллариимизнинг гуруҳдаги аҳолини чигаллаштириб юборар эди.

Афсуски, учрашувда миллионлаб мухлисларимиз кутган натижа қайд этилмади. Биринчи бўлимнинг охириги дақиқаларида химоячи Акмал Шорахмудов боши билан қайтармоқчи бўлган тўп дарвозамиз тўрига келиб тушди. Бу гол ўйин тақдирини ҳал этди — 1:0.

Гуруҳнинг иккинчи баҳсида Эрон футболчилари ливанликлар дарвозасига жавобсиз тўртта тўп киритди — 4:0.

«А» гуруҳидаги вазият

	Ў	У	Д	М	Т-Н	О
1. Ж. Корея	7	4	2	1	13-6	14
2. Эрон	7	4	1	2	7-2	13
3. Ўзбекистон	7	3	2	2	6-5	11
4. Катар	7	2	1	4	4-8	7
5. Ливан	8	1	2	5	3-11	5

Энди гуруҳдаги охириги тур баҳслари 18 июнь кuni ўтказилади. Шу кuni Ўзбекистон терма жамоаси Тошкентда қатарликлар, Ульсанда Жанубий кореяликлар Эрон футболчилари билан куч сынашади. Агар мазкур турда ҳамюртларимиз ғалаба қозониб, эронликлар рақибига имкониятини бой берса, Ўзбекистон терма жамоаси тўғридан-тўғри жаҳон чемпионати йўлланмасини кўлга киритади. Аксинча бўлса, вакилларимиз кейинги босқичга чиқиш учун «плей-офф» баҳсларида омдини сынаб кўришга мажбур бўлади.

Мусобақанинг «В» гуруҳида ҳам кескин кураш давом этмоқда. Сўнгги турда қуйидаги натижалар қайд этилди: Австралия — Иордания — 4:0, Ироқ — Япония — 0:1.

18 июнь кuni ўтказиладиган Австралия — Ироқ, Иордания — Уммон терма жамоалари учрашувлари «В» гуруҳи баҳсларини якунлаб беради.

Самандар БОБОРАҲОБОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

АҚШ долларидидаги янги мuddатли омонат турлари амалга киритилганлигини маълум қилади:

1. Сақлаш мuddати — 6 ойдан 1 йилгача;

— омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— фоизлар ҳар чоракда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг, омонат валютасида капитализациясиз тўланади.

2. Сақлаш мuddати — 1 йилдан 1,5 йилгача;

— омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— фоизлар ҳар чоракда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг, омонат валютасида капитализациясиз тўланади.

3. Сақлаш мuddати — 1,5 йилдан 2 йилгача;

— омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— фоизлар ҳар чоракда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг, Марказий банк курси бўйича миллий валютада капитализациясиз тўланади.

Евродаги мuddатли омонат:

1. Сақлаш мuddати — 1 йил;

— омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— фоизлар ҳар чоракда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг, омонат валютасида капитализациясиз тўланади.

2. Сақлаш мuddати — 1 йилдан 2 йилгача;

— омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— фоизлар ҳар чоракда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг, Марказий банкнинг курси бўйича миллий валютада капитализациясиз тўланади.

Мультивалютали омонат

(АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлинги, Швейцария франки):

— сақлаш мuddати — 1 йил;
— омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— фоизлар омонат валютасида ёки АҚШ долларидида ҳар чоракда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг, капитализациясиз тўланади.

«Привилегия-2» мультивалютали омонати:

— сақлаш мuddати — 13 ой;
— бошланғич бадал микдори — 100 минг АҚШ доллари ёки бошқа валютада 100 минг АҚШ долларининг эквиваленти ҳисобиди;
— фоизлар омонат мuddати тугагандан сўнг, омонат валютасида ёки АҚШ долларидида тўланади;
— ҳисобланган фоизлар ҳар ойда капитализация қилиб борилади;
— омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.

Ҳамда мультивалютали омонат шартлари ўзгартирилганини маълум қилади:

«Привилегия»

(АҚШ доллари, евро, Англия фунт стерлинги):

— сақлаш мuddати — 13 ой;
— омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
— фоизлар омонат мuddати тугагандан сўнг, омонат валютасида ёки АҚШ долларидида тўланади.

ЖАМФАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган

Реклама ва эълонлар

Фармацевтик фаолият билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ

қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари ва тиббий ашёларни марказлашган асосда сотиб олиш бўйича

ТЕНДЕР (КОНКУРС) САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Тендер (конкурс)да қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган махсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фармацевтика махсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва у-гуржи ташкилотлар қатнашилари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан нарх-наво преференциялари берилди.

Тендер комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:

Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони, 1-уй, **почта индекси:** 103057, **тел:** (8-366) 233-72-22, **факс:** 233-02-12, **E-mail:** samarkand.ssb@minzdrav.uz

БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

Молия вазирлигининг қазначилик умумий ҳисоб рақами р/с: 23402000300100001010 Тошкент шаҳар, Марказий банк Бош бошқармаси, МФО: 00014, ИНН: 201122919, л/с: 400121860184017950100054015 (Тендер ҳужжатларини олиш ва гаров пули ўтказишга шартномалар тузиш учун), л/с: 100021860184017072130054002 (Махсулот етказиб бериш шартномасини тузиш учун), ИНН: 201213685, ОКОНХ: 97400.

Тендер (конкурс) предмети:

Қуйидаги Лотлар бўйича товарларни етказиб бериш:
1-Лот — Шошилиқ тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари (рўйхати бўйича);
2-Лот — Тиббий ашёлар ва сарфлов материаллари.

Харид қилинатган товарларнинг максимал нархи ва тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

Етказиб бериш шартлари:

— барча етказиб берувчилар учун: ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари томонидан белгиланган жойлардаги омборларига тайёр махсулотлар етказиб беришлари шарт.

Етказиб бериш мuddатлари: тендер савдолари ва тендер ҳужжатлари бўйича маълумотларда акс эттирилади.

Тендер (конкурс) бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан тендер савдоларида иштирок этиш учун талабгорларнинг малакали танлови ўтказилди.

Тендер (конкурс) ҳужжатларининг солиғи олиш баҳоси 100000 сўм ва закат (тендер таклифи қафолати) микдори шартнома микдорига қараб 500000 сўмдан — 37500000 сўмгача ташкил этади.

Тендер (конкурс) ҳужжатлари учун тўлов ва закат тўлови пул ўтказиш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари ринининг юқорида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Тендер (конкурс) таклифларини қабул қилишнинг охириги мuddати 2013 йил 13 июль соат 15.00 (маҳаллий вақт билан) гача. Тендер (конкурс) савдоларини ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун юқорида кўрсатилган реқвизитлар бўйича Самарқанд вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ

ООО «АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ» СООБЩАЕТ:

15 и 30 июля 2013 года в 12.00 по адресу: город Нукус, улица А. Темура, дом 122 проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу автомашины марки «ГАЗ-53», 1990 года выпуска, гос.номер 23 АИ 312, принадлежавшая ОАО «Автожолмехбаза». Начальная цена 308 000 сумов.

Прием заявок производится с 9.00 до 18.00 во все дни кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается за один день до начала аукционных торгов. Покупатель вносит залог в размере не менее 10 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполнительного документа в справке уплаты на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк. Информацию об объектах выставленных на торги можно получить по адресу: Республика Каракалпакстан, г. Нукус, ул. А. Темура, дом 122. Телефон для справок: (8-361) 222-55-84.

Уд. № 006388.

МУАССИС:



О'ЗБЕКИСТОН
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бosh muharrir: **Safar OSTONOV**

ТАХРИР НАЙ'АТИ:

Abdulla O'RIPOV Murodilla ABDULLAYEV Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV Ulug'bek MUSTAFOYEV Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV Muslihidin (Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Rustam KAMILOV MUHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Iltimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamotchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646 Nashr ko'rsatkichi — 220
16158 t — Tijorat materiallari
nussada bosildi. O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 02.20

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7433



1 2 4 5